

(?-1516),
(1511-1516)

Хоразмда хукмрон бўлган шайбонийлар сулоласи асосчиси ва хони, Берка Султоннинг ўгли Чингизхоннинг набираси Шайбон авлодидан. Отаси Берка султон Шайбонийхон томонидан катл килингандан сўнг (ХВ асрнинг 80-йилларида), укаси Билбарс билан ўз улуси (Сирдарёнинг куйи оқимида) истикомат қилган. 1510-йилда сафавийлар хукмронлигига қарши Хоразмда Умар бошчилигида кўзғолон бошланади. Хоразмда ҳокимият тепасига янги сулола вакили келишини машхур Сайидота аждоди уюштирди. Унинг ташаббуси билан Шайбонийхон томонидан катл этилган Берка Султоннинг ўгли Элбарсхон тахтга ўтказилади. 1511-1512-йилларда Элбарсхон бошчилигида Хоразм халқи Эрон қўшинларини мамлакатдан қувиб чиқаради. Шу тариқа 1511-йилда Хоразм мустақиллиги тикланди. Элбарсхон даврида мамлакат пойтахти Вазир шаҳридан Урганч шаҳрига қўчирилди. Элбарсхон Вазир шаҳрини Эрон қозилбош қўшинларидан озод этгач, бу ғалаба шарафига ўз ўғиллари номига “гози” лақабини қўшиб айтишни буюрган. Орадан кўп вақт ўтмай, Элбарсхон Урганч, Хива, Хазорапс, Киёт ва Тирсак шаҳарларидан сафавийларни қувиб чиқарди. Элбарсхон давридаёқ хонликнинг сиёсий географияси шаклланиб бўлган. Чунончи, хонлик ғарбда Каспий денгизи, шимолда Орол денгизи, жанубда эса Атрек дарёси ва Сарахс атрофларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган. Унинг давлати марказлашмаган, қучсиз бўлиб, майда улусларга тақсимланган ҳолда бошқарилган. Мазкур улуслар Элбарсхон ҳокимиятига тобе ҳисобланса-да, амалда мустакил идора қилинган. Элбарсхон даврида Дашти Кипчокдан Хоразмга қўчманчи қабилларнинг қўчиб келиши янада қучайди. Натижада, хонлик ҳукмдорларининг ижтимоий таянчи муスタҳкамланди.